SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 10-MAY ■ SHANBA ■ 60 (27.080) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ХОТИРАСИЗ НА МИЛЛАТ, НА ХАЛҚ БОР ВА БЎЛМАЙДИ ҲАМ. БУ ҲАҚИҚАТНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАСЛИГИМИЗ ДАРКОР




# Хотира чироғи ўчмагай, мангу порлар қадр шуъласи

Она Ватан тақдири, халқ келажаги йўлида жонини тиккан фидойи инсонларни ҳамиша хотирлайдиган, ўтганлар олдида маънавий бурчи борлигини мудом ёдда тутиш баробарида, бугун сафларимизда туриб эл-юрт обрў-эътиборини юксалтиришга ҳисса қўшаётган табаррук кексаларнинг ҳурматини жойига қўйишни ҳеч қачон унутмайдиган миллатнинг истиқболи порлоқ экани шубҳасиз.

Юртбошимиз Фармонига мувофиқ Хотира ва Қадрлаш куни деб аталган 9 Май мустақиллик йилларида Инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида акс эттирган муҳим тарихий санага айланди.

Мазкур байрам бу гал Обод маҳалла йилида нишонланаётгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Негаки, Хотира ҳам, Қадрлаш ҳам инсон ақлу заковатининг улуғ неъмати, ҳеч қачон эскирмайдиган, абадий ва ардоқли одамийлик мезонларидир. Зеро, обод деганда халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кут-барака ҳукмрон бўлган жойларни, балки қалб ободлигини, руҳ бойлигини, маънавий гўзалликни ҳам тасаввур қилади.

Ушбу тушунчалар замирида инсонга, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, хотираси, қадр-қимматига эҳтиром туйғуси, эъзоз, имон, эътиқод, савоб, мурувват, хайр-саховат каби эзгу амалларга дахлдорлик ҳисси мужассам. Бу маънавий қадриятлар халқимиз неча минг йиллардан буён улуғлаб келаётган тинчликпарварлик, бунёдкорлик мақсадларига ҳамоҳанг. Улар ҳаётнинг, истиқлолнинг, Ватаннинг қадрига етишдек олижаноб ниятларга жуда мос ва хосдир...



9 Май куни пойтахтимиз марказидаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, қалбида ўтган авлодлар хотирасига, нуронийларга ҳурмат ва эҳтиром жўш урган ёшлар йиғилди.

Зиёратгоҳ узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимиз номларини ўз саҳифаларида абадиятга муҳрлаган «Хотира китоби»нинг металл варақлари сукутга чўмган. Урушда фарзандидан жудо бўлган ғамгузор Она сиймосида мунгли, аммо улуғвор тараддуд зоҳир...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида, Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Бугун халқимиз ўзининг инсоний бурчини бажо келтириб, уруш жангу жадалларида ўз юрти ва яқинларини, жонажон Ватанини ҳимоя қилиб ҳалок бўлганларни, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаганларни эслайди, уларнинг ўлмас хотираси олдида бош эгади, — деди Ислом Каримов. — Биз Хотира майдонини зиёрат қилиб, муқаддас Она сиймоси олдида таъзим бажо келтириб, мана шу майдондаги лавҳаларга олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган уруш қурбонларининг номларини кўз ўнгимиздан, қалбимиздан ўтказамиз, уларнинг хотирасини ёдга оламиз. Уларнинг арвоҳларини шод этиш учун дуои фотиҳалар қилиб, ўз инсоний бурчимизни адо этамиз.

Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларининг умри нечоғли ғаниматли, уларнинг олдида қарздор эканимизни хаёлимиздан ўтказамиз. Бундай маросимлар халқимиз учун савобли анъанага айланиб бораётганидан барчамиз хурсандмиз.

Мана шундай маросимлар халқимиз маънавиятининг янада юксалишига, аввало, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишига, уларнинг ўз ота-онаси, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчини адо этишига мангу даъват этувчи восита бўлиб қолади.

Ишончим комилки, бундай маросимларнинг таъсири халқимиз ўз ўтмишига, ўз илдизларига қайтиши, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши жараёнида тобора кучайиб боради, деб таъкидлади Президент. Чунки хотирасиз яшаб бўлмайди. Хотирасиз на миллат, на халқ бор ва бўлмайди ҳам. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, айрим рақамларни келтириб ўтди.



Уруш арафасида, 1941 йилда Ўзбекистонда 6,5 миллион киши яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда қатнашган. Агар аҳоли сонидан чақалоқларни, вояга етмаганларни, қарияларни чиқариб ташласак, 50 фоиз, яъни 3 миллион нафарга яқин курол тутишга қодир кишининг ярми урушга кетгани аён бўлади.

420 минг киши урушдан қайтмаган. 640 минг нафар ватандошимиз жароҳат олган.

Афсуски, урушдан омон қайтган фидойи ватандошларимизнинг сафи йилдан-йилга камайиб боряпти, деди Юртбошимиз. Бугун мамлакатимизда уруш иштирокчиларининг сони 51 минг нафарга яқин. Шулардан 36 минг киши ярадор ва ногирондир. Бу рақамларни келтиришдан мақсад Ўзбекистон урушдан қандай жароҳатлар билан чиққанлиги билан боғлиқ ҳақиқатни халқимиз, аввало, ёшларимиз билсин, унутмасин ва келгуси авлодларга етказсин.

Бу — ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг бировга бош эгмаслиги, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмасликка тўла ҳаққи бор эканидан яна бир яққол далолатдир. Биз ўз қадримизни ўзимиз биламиз — кучимиз ва қудратимиз ҳам шунда, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Менинг тилагим, истагим шуки, фаровон яшашга интилиш билан бирга, Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган асл фазилатларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, бойитишимиз керак, деб уқтирди мамлакатимиз раҳбари. Халқимиз ўзлигини англаб боргани сари кишиларимиз онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, нималар билан фахрланишимиз мумкин», деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бориши зарур.

Қон-қонимизга сингиб кетган азалий қадриятларимиз — бағрикенглик, инсоф ва диёнат, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, андиша, меҳр-оқибат ва мурувват каби фазилатларимизни кўз қорачиғидек асрашимиз даркор.

Иккинчидан, бугун дунё, тараққиёт қайси йўлдан кетяпти, қандай қадриятларга таянмоқда — буларни назардан қочирмаслигимиз шарт. Бошқача айтганда, азалий анъаналаримизни мустаҳкамлаб, бойитиб, ривожлантириб борганимиз сари замон, жаҳон, тараққиёт танлаган қадриятларни ҳам ўзимиз учун уйғунлаштиришда давом этишимиз зарур.

Миллатимизга мансуб бундай олижаноб фазилатлар фарзандларимизга албатта ўтмоғи керак.

Мен шу муқаддас Хотира ва Қадрлаш кунида кўпчилик юртдошларимизнинг хаёлидан ўтиб турган мана шундай фикр-мулоҳазалар бутун жамиятимизнинг диққат-эътиборида бўлишини истардим, деб қайд этди Президентимиз.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида бобомиз Алишер Навоийнинг Афғонистондаги хоки-поклари ва ўзбек халқининг бошқа буюк арбоблари қабрларини ободонлаштириш масаласини кўтарган эди.

— Навоийни севмоқ — ўзбекни севмоқдир, — деди Ислом Каримов шу мавзуга яна тўхталиб. — Навоий бобомизнинг Ҳиротдаги хоки ва мўътабар зиёратгоҳини обод қилиш, буюк аждодимиз руҳини ёд этиш ҳар биримизнинг кўнглимиздан жой олган эзгу орзу-истакдир. Бу интилишларимиз Афғонистонда йигирма йилдан узоқ давом этган уруш туфайли амалга ошмай келди. Миллатимиз, халқимизнинг буюк бобомиз олдидаги ҳалигача адо этилмаган қарзи виждонимизни қийнаётган эди.

Уруш тугаб, энди ана шу орзулар рўёбга чиқиши учун имкониятлар очиляпти. Бунда, албатта, Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати билан дипломатик музокаралар ҳам, жамоатчилик кенг қатламларининг фикри ва интилиши ҳам бирдек аҳамиятлидир. Фурсати келиб, биз, албатта, буюк аждодларимиз олдидаги ўзимизнинг бу муқаддас инсоний бурчимизни адо этамиз, деди Ислом Каримов пировардида.

Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Майдондан юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш умидида бўлган зиёратчиларнинг қадами кечгача узилмади.





Пойтахтимизда ва бутун мамлакатимиз бўйлаб Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлашдан мақсад, аввало, халқимизнинг минг-минглаб фидойи фарзандлари руҳини ёд этиб, уйимиз тўрида, қалбимиз ардоғида яшаётган азиз ҳамда мўътабар отахону онахонларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдан иборатдир.

Шу билан бирга, бу айём ёш авлод онги ва шуурида ота-боболаримиз жасоратининг қадрига етиш, ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини, мустақиллик тафаккурини шакллантириш, Ватан ва халқ учун фахр-ифтихор ҳиссини уйғотиш йўлида хизмат қилаверади.

**Ғулом МИРЗО,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчилари**

***1999 йил 2 март.***

«9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

***1999 йил 30 апрель.***

«9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида» Президент Фармони эълон қилинди.

***1999 йил 9 май.***

Мамлакатимиз пойтахтидаги Хотира майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Майдондаги мангулик китобида II жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин юртдошларимизнинг номлари абадий муҳрланди.

***2000 йил 12 май.***

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. Унинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

***2000 йил 25 август.***

«Ўзбек Миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган адабиёт ва санъат усталарини мукофотлаш тўғрисида» Фармон эълон қилинди.

***2001 йил 1 май.***

«Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. 31 август — «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» деб белгиланди.

***2001 йил 22 август.***

«Ўзбек Миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида» Президент Фармони эълон қилинди.

***2002 йил 3 май.***

«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

***2002 йил 23 август.***

«Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида» Фармон эълон қилинди.

***2002 йил 27 август.***

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бунёд этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди.

***2003 йил 1 май.***

«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

**Зайниддин МАВЛИДДИН ўғли тайёрлади**

# Аждодлар ёди

Мозий қаърида буюк аждодларимиз ёди уйғонади. Озодлик учун курашганлар, Ватанга жонини тикканлар, миллат шони-шуҳрати учун қон кечганлар, ватандан айро тушганлар...

Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур сингари қаҳрамонларимиз Ватан озодлиги, мустақиллиги, миллат келажаги учун буюк хизматларни адо этдилар.

Бу замин дунё фани ва адабиётида уйғониш даврини бошлаб берган Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларга бешик бўлди.

Муқаддас ислом динининг энг йирик намояндалари шу тупроқда туғилганлар. Буюк муҳаддислар Имом Бухорий, ат-Термизий ислом илмининг устунлари, Маҳдуми Аъзам Косоний, Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Хўжа Аҳрор Валий каби юзлаб азиз авлиёлар бизнинг дунё олдидаги фахр ва ғуруримиздир.

Истиқлол йилларида юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Улар қолдирган салмоқли мерос, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссалари қадр топмоқда. Ўзлигини англаган ҳар бир миллат аждодларини эслаш, ҳурматини жойига қўйишга интилади.

**Фаррух ҲАМИДУЛЛО ўғли**



## ХОТИРА

*Хотира дунёда азиз, мўътабар,*
*У — она, у — устоз, у — суюк падар.*
*Ва лекин қиммати қолмасди унинг,*
*Эслайдиган зурёд бўлмаса агар.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**2003 йил, 9 май**
*Хотира майдони.*

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

ФАРЗАНДЛАР ОТАЛАР ҲАҚИДА

# Ўнгимдаги туш

**Дадам, шоир Муҳаммад Юсуфнинг бизни ташлаб кетганлари ҳали ҳам тушга ўхшайди. Аммо бу ўнгимизда бўлди. Аксинча, тушимизда бизни деярли ҳар кун йўқлаб турадилар.**



— Дадам тўғрисида гапириш мен учун қанчалик оғирлигини тасаввур қилолмайсиз. Улар шунчалар меҳрибон эдиларки, назаримда, фақат биз учун яшардилар.

Уйимизга меҳмон кўп келарди. Бир куни улардан бири «Муҳаммаджон, қизларингиз кўп эканда» деб қўйиб, балога қолганди: «Мен буларни юзта ўғилга алишмайман» деб жеркиб берганлари эсимдан чиқмайди.

Биз Андижонга — бувимникига тез-тез бориб турардик. Дадам эса сизлар келгунча бир ўзим қандай яшайман, деб айтар эди.

Дадам Элликқалъага энг сўнгги хизмат сафарига кетишларидан олдин қишлоққа телефон қилиб, болаларимни Тошкентга тез етказиб келинглар, бир тўйиб олай, дебдилар. Биз самолётга улгурмай, машинада йўлга тушдик. Машина қушдек учса-да, Тошкент аэропортига самолёт осмонга кўтарилганда етиб келдик. Айтишларича, дадам бизнинг йўлимизга қараб, самолётга энг охирида чиқибдилар. Бири кам дунё деганлари шу бўлса керак.

Сўнгги дийдор бизга насиб этмади. Бу алам, изтироб менга тинчлик бермайди. Умид билан Марҳамат йўлига тикилган дадам кўз олдимга келаверади. Дадам бизни сўнгги бор бағрига босолмадилар. Армон билан самолёт зинасига оёқ қўйганлар. Манзилга етиб боришлари билан бизга қўнғироқ қилдилар. Аям билан, Маъсуда опам, мен ва синглим Мадина билан узоқ гаплашдилар. «Ўқишга албатта кирасан, қизим» деб тасалли бердилар. «Имтиҳонга ўзим кириб ўтираман» деб ҳазиллашдилар. «Ўқишга кириб олсанг, сен кутмаган сюрпризим бор. Кўрасан!» дедилар. Қисматнинг қаҳрини қарангки,биз дадам билан охирги марта гаплашаётганимизни билмагандик. Овозларига, меҳрга тўла кўзларига тўймай қолавердик. Ҳамроҳларининг айтишича, эртасига 5-6 марта қўнғироқ қилиб, бизга улана олмабдилар.

Баъзан уйдаги телефон шитоб билан жиринглайди. Бу дадам, дея отилиб тураман-у, яна жойимга ўтириб қоламан. Энди дадам ҳеч қачон қўнғироқ қилмайди, дея ўзимни ишонтиришга уринаман. Ҳар галги қўнғироқ ширин орзуларимга ногоҳ урилган зарбага ўхшайди.

Низомий номидаги педагогика университетига ҳужжат топширишга дадам билан бирга борган эдик. Аммо имтиҳондан бир кун олдин дадажонимдан айрилиб қолдим.

Дадамнинг ўлими тушга ўхшайди. Ҳозир уйғониб кетаману ҳаммаси бошқача бўладигандек. Аммо бу ўнгимизда бўлди. Аксинча, тушимизда бизни деярли ҳар кун йўқлаб турадилар. Аямнинг айтишларича, дадамнинг руҳлари бизни ҳар хил бало-қазолардан асрар экан.

Дадажонимнинг ота тўғрисидаги шеърлари кўп эди. У шеърлар назаримда биз учун ёзилгандай. Биттаси айниқса менга жуда ёқади. Бу шеърда менинг айта олмаган ҳамма гапларим бор. Уни баъзан ўқир эканман тилим ҳижжалайди. Кўзимдан шашқатор ёш қуйилади. Бағрим куяди. Армон юрагимни эгаллаб олади. Бир фарёд отилиб чиқади.

***Армоним бор, бу дунёда***
***армоним бор,***
***Қоқ далада ўтлар босган***
***ўрмоним бор.***
***Қизғалдоқдай бошим***
***эгик бу маконда***
***Ёшин яшаб ўтмаган***
***отажоним бор.***

***Ота десам, бағри-дилим***
***ёнаверар,***
***Куним ёнар, ою йилим***
***ёнаверар.***
***Мозорига қўйган гулим***
***ёнаверар,***
***Тутунларга тўлиб кетган***
***осмоним бор...***

Гоҳида дадажонимни соғиниб, қабрига бош қўйиб йиғлагим келади. Аммо қабрлари ҳам биздан олисда. Бувимни ўйлаб, дадамни Марҳаматга дафн қилдилар. Назаримда дадажоним бизни соғиниб, йўл қарайдигандай туюлаверади.

**Нозима ЮСУПОВА**

# Ортда қолган излар

**эзгулик элчилари янглиғ фарзандларга — бўлажак илм-фан фидойиларига умр мазмуни ҳақида ҳикоя қилади**



Менинг отам — машҳур геолог олим, академик, кўплаб мукофотлар соҳиби Иброҳим Ҳамрабоев номи, яратган асарлари, қилган хайрли ишлари халқимизга яхши маълум.

Мен отамнинг умр йўлларига сочилган, ёшларимизга ибрат бўладиган баъзи бир қирралари ҳақида гапирмоқчиман.

У киши умрнинг ҳар бир қимматли дақиқасини қадрлардилар. Шунинг учун бўлса керак мунтазам иш, ижодий режалар, экспедиция сафарларидан вақт орттириб суратлар чизар, табиатнинг гўзал манзаралари олдида мусаввирга айланар, баъзан ҳаёт сабоқларидан сўз дурларини тизиб шеър ҳам битардилар. Китоб ўқиш отам учун энг зарур эҳтиёж эди. Кунлик газеталар, жаҳон ва ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари иш столларида турарди. Шу боис бўлса керак бизни ҳам мунтазам китоб мутолаа қилишга ундардилар.

Катта фарзандим дунёга келганида отам мени йўқлаб туғуруқхонага боргандилар. Олдин ҳол-аҳвол сўраб, шундан сўнг қандай китоб ўқияпсан, дедилар. Мен хижолат бўлиб ерга қарадим. Отам буни ўзларича тушуниб: «Сенга жуда қизиқ китоб олиб келдим қизим», дегандилар.

Гўдаклик чоғимда кўп марта: «Сизнинг сочингиз нима учун оқарган», деб сўраганимда улар доим: «Онангдан сўра», деб жавоб берардилар. Оқ сочлар улар учун гўё яшаб ўтилаётган умрнинг акс-садоси эди. Бугун ўзимнинг сочларимга оқ оралади. Энди мен биламан, отам сочларининг қорасини, кўз нурини ва юрак қўрини бизга — фарзандларига, шогирдларига бахш этган эканлар...

Отамдан бизга бойлик, мартаба мерос бўлиб қолмаган, аксинча одамийлик, оддийлик, одиллик, оқибатлилик қолди. Биз уни отамнинг номи, шаъни сингари ардоқлаймиз.

Отам бир умр ўтаётган кунлар, кўрган-кечирганлари, топган-йўқотганларини кундалик дафтари саҳифасига муҳрлаб борардилар.

Охирги учрашув ҳозир ҳам эсимда. 82 баҳорни қаршилаган кунлари эди. Улар доимгидек иш билан овора. Нималарнидир ёзарди. Мен бўғзимга тиқилган кўз ёшимни сатрлар устига тўкмаслик учун унсиз йиғлайман. Битикларни ўқий бошлайман.

«Душанба, 11 март, 2002 йил.

Кеча кечқурун ёға бошлаган қор ҳали ҳам майдалаб давом этмоқда. Эндигина гуллаган ўриклар қор остида қолди. Меҳринисо буни «сумалак қор» деяпти. Ким билади, сумалаклими, мурабболими? Балки яна ёғар. Ахир бу ой аёлларнинг ойи-ку!»

Геологлар ҳар галги сафаридан сўнг топилган тош намуналарини институтга келтиришарди. Отам институт директори бўлса-да, оддий кишилар қаторида юкларни туширишга, лабораторияга ташишга кўмаклашардилар. Улар одам ажратиш, мансаб ва бойлигига қараб муомала қилишни тасаввур ҳам қилолмасдилар. Биздан ҳам шуни талаб қилардилар.

Отамнинг қадрдон дўстларидан бири — математика назариясида улкан кашфиётлар қилган академик Саъди Сирожиддинов эди. Бу киши ҳақида «Ҳаёт саҳифалари» китобида бир талай хотиралар ёзиб қолдирганлар.

«Раҳматли дўстимиз Саъди Ҳасанович Сирожиддинов қаерга бормасин, ўзининг доно фикрлари, шахсий латофати ва мароқли суҳбати билан дарров кишиларни ўзига ром қилар ва эсдан чиқмайдиган таассурот қолдирарди. Улуғ тенгдошим, қадрли дўстим Садриддин мендан олдин бу дунёни тарк этиши ва мен у тўғрисида хотиралар ёзишимни ҳеч вақт хаёлимга келтирмаганман. Бироқ дунёнинг иши шунақа экан — биров олдин, биров кейин...»

Мен отамдан дўстларга садоқатли бўлишни ўрганганман. Мана бугун ёд этилган дўст ҳам, отамнинг ўзлари ҳам хотирага айланиб қолдилар.

Тирикликка юпанч бўладиган мўъжизавий бир куч бор — бу хотира. У шуниси билан қадрлики, ҳамиша сен билан бирга яшайди. Умр китобининг сарғайган саҳифалари янглиғ кўз олдингдан бир-бир ўтаверади.

Отам ортида фандаги улкан кашфиётлар билан бирга одамийлик сабоқлари ҳам қолди. Мен доим шундай улуғ инсоннинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман.

**Гавҳар НОСИРОВА**

# Муаллим мевалари



Бутун умрини маърифатга, келажак авлод тарбиясига бахшида этган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, устоз Нарзулла Эшмуродовни Оқдарё туманида кўпчилик яхши билади. 1939 йилда Самарқанд педагогика билим юртини тугатиб, Авнамас қишлоғидаги 11-мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлаган. 1940 йилнинг декабрида эса ҳарбий хизматга чақирилди. Бу орада Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Жангу жадалларда неча бор ўлим билан юзма-юз келди. Қўрқоқлик қилмади, ўз шаънига доғ туширмади. Уруш тугагач, 1946 йилнинг февралида Нарзулла Эшмуродов оиласи бағрига соғ-омон қайтди. У яна ўз касби — ўқитувчиликни давом эттирди. Қишлоқдаги 4 йиллик мактабда аввал ўқитувчи, кейин директор вазифасида ишлади.

У кишининг жонкуярлиги, ташкилотчилиги билан Болта қишлоғида янги мактаб биноси қуриб битказилди. Шундан сўнг Нарзулла Эшмуродов тумандаги 16, 18, 19, 20, 21-сон ўрта мактабларида раҳбарлик қилди. Шу йилларда мактаб биноларини таъмирлаш, илмга чанқоқ ёшларни тарбиялаш, уларни катта ҳаёт йўлига йўллаш, билим даргоҳларининг моддий техника базасини яхшилашга эришди.

Тажрибали фидойи муаллим 1958 йилда болалар уйига директор этиб тайинланди. Ота-онасиз болаларнинг бошини силади, уларнинг ўсиб-улғайиши, билим олиши учун жон куйдириб меҳнат қилди. Афсуски, Нарзулла ака 47 ёшида ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бу ерда таълим олганлар уни ҳамон меҳр билан эслашади.

Умр мазмуни узоқ яшаш билан ўлчанмайди. Балки эзгу ишлар киши умрини боқийлик мартабасига олиб чиқади. Оддий қишлоқ ўқитувчиси, фидойи муаллим қисқа ҳаётида кўп хайрли ишларни қилишга улгурди. У кишининг ишини укалари, фарзандлари, набиралари давом эттириб келмоқда. Давраларда гап кетса, раҳматли Нарзулла акани ҳурмат билан ёдга олишади. Ҳалол, фидойи инсонларгина ўзидан яхши ном, яхши хотира қолдиради.

**Ният ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**меҳнат фахрийси**

# Омонтош опанинг армонлари

Дарахт япроғи оҳиста узилиб тушди. У эрта баҳорда аввал гул, сўнгра ям-яшил япроққа айланган эди. Кузда сарғайиб, хазон фаслида ерга бош қўйди. Наҳот унинг умри тугаган бўлса. Йўқ дейман. У оппоқ гуллигида қалбимга қувонч бахш этган, зангор лаҳзаларда кўнгилга таскин берган, ҳаётга муҳаббат учқунларини ёққан эди...

Хотирот кенгликларида хаёл югуради. У ниманидир излайди. Қулоғимга қадим оҳанглар келиб урилади. Аждодлар ёди ёна бошлайди кўзларимда. Умр — ўтмишни унутмаслик, бугун билан ҳамнафас бўлишдир аслида.

Омонтош опани кўрмаганимга анча бўлган эди. Сочларига оқ оралабди. Мунис, меҳрибон чеҳрасида ўша мен билган самимият муҳрланиб қолган. Бу мўътабар аёл кўзлари қаърига яширинган мунг нимага эканлигини англолмадим. Опа ўз ҳикоясини бошлади.

— Мен 1941 йилда туғилганман. Бу пайтда отам Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида қон кечиб юрган эканлар. Унга хат йўллаган онам, менинг туғилганимни, омонлик бўлсин дея исмимни Омонтош қўйганини ёзганлар. Орадан бир оз вақт ўтиб, отамдан жавоб мактуби келган. Унга отам Омонтошга суюнчи дея 1 сўм пул солиб юборганлар. Менга отамдан ёдгор бўлиб шу биргина хат қолди. Тақдирнинг нотантилигини қарангки амаким Иброҳим Отабоев ҳам 17 ёшида фронтга жўнаб кетиб, мен онам ва бувим билан ёлғиз қолдим. Уруш тугади. Йўлга тикилиб кўзларимиз тешилди. Лекин ака-ука Суярқул ва Иброҳим Отабоевлар урушдан қайтмадилар. Бувим урушни қарғаб отам ва амаким дардида куйиб оламдан ўтдилар. Қайғу қаддини буккан бечора онам ҳам ҳаётдан эрта кетдилар. Мен бугун 62 ёшли гўдак, ҳамон отамни қўмсайман, урушни лаънатлайман...

Омонтош опа изтиробли, оғир сукунатга чўмди.

— Биринчи синфга кўпчилигимизни оналаримиз етаклаб борган эди. Чунки оталаримиз урушдан қайтмаганди. Отасизлик нима эканлигини мен яхши биламан. Лекин ҳаёт мени яхши одамларга дуч қилди. Уларнинг меҳри, муҳаббати мени бир умр ардоқлади. Лекин барибир ота деган сўзни эшитганимда юрагим қалқиб кетади.

Мен болаларни мактабга оталари етаклаб боришини, тўйларида бош бўлишини истайман. Баъзан фарзандларим, набираларимни кўриб, уларнинг кулгуларини эшитиб, ўтаётган ҳар бир куним учун шукрона айтаман, Ватанимизда тинчлик абадий бўлишини Аллоҳдан сўрайман.

Қадр-қиммат, оқибат тамойиллари юракни ёндирарди. Авлод-аждодларини, ота-боболарини ёдга олаётган ҳар бир инсон кўнглидан нималар ўтаётганлигини сезиш, англаш қийин эмас, албатта. Омонтош опага ўхшаш оналаримиз, момоларимиз армонларини ёшларимиз яхши билишади. Уларнинг хотиралари, армонлари бизга вафодан, садоқатдан, бардошдан сабоқ беради.

**Фарруҳ ҲАМРОЕВ**



***Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор***

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

# Эзгуликнинг умри боқий

Шундай инсонлар бўладики, ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, камтарона ҳаёт кечиради. Ҳар қанча машаққатга дуч келмасин, нолимайди. Ҳар қанча ютуққа эришмасин мақтанмайди, унвону мартабага даъво қилмайди. Тожибой ака Ғозибоев ана шундай инсонлардан эди. Унинг кейинги эллик йиллик ҳаёти ва ижоди Наманган давлат педагогика институтида кечди. У ўқитувчи, доцент, ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, тарих-филология факультетининг декани, илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Олим илмга, ижодга чанқоқ инсон эди. У илмий тадқиқотларини халқ оғзаки ижодига бағишлади. Айниқса, устоз достончилигимизнинг Наманган мактаби вакиллари ижодини қунт, сабр-тоқат билан бутун умри давомида ўрганди, илмий тадқиқотлар ўтказиб, миллатимизнинг залворли маънавий хазинасини жамлашга катта ҳисса қўшди.

Тожибой Ғозибоев «Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош ўғли томонидан айтилган варианти устида илмий иш олиб борди. Номзодлик диссертациясини ёзиб тугатганида эса «Алпомиш» достони ҳам қатағон қилинди. Иш ёқланмай қолиб кетди.

Халқ ўз маънавий меросидан узиб қўйилган даврлар эди. Нафақат зиёли ота-боболаримиз, балки эртак ва достонларимиз ҳам қатағон қилинганди. Муқаддас китоблар оловда ёқилганди.

Иродали, меҳнаткаш олим 1954 йилда Фозил Йўлдош ўғли ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тожибой Ғозибоевнинг илмий жасорати туфайли 1969 йилда «Гулпари» номли эртак китоби чоп этилди. Бу ноёб китобни ҳали-ҳалигача эртак мухлислари севиб ўқийдилар. Бугун фарзандларимизнинг эртакларга бўлган маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида бу китоб янги алифбода нашр этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Домланинг шахсий архивида адабиёт назариясига оид ноёб китоблар, 30-йилларда чоп этилган бадиий асарлар, ҳали бизга нотаниш бўлган, аммо аждодларимиз томонидан асрлар давомида севиб айтиб келинган жуда кўплаб ноёб халқ қўшиқлари, достонлари, марсиялар, топишмоқлар, айтишувлар, термалар, болалар учун эртаклар, мақоллар, ёр-ёрлар, алла, келин салом ва бошқа халқ оғзаки ижоди дурдоналари сақланмоқда. Уларнинг кўпчилиги магнит тасма ва қўлёзма шаклидадир. Буларнинг орасидан баъзи эртаклар танлаб олиниб, 1998 йилда устознинг қизи Раъно Ғозибоеванинг саъй-ҳаракати билан «Наманган эртаклари» номи остида чоп этилди.

Тожибой Ғозибоевнинг маънавий дунёси ҳам эртак ва достонлар каби улуғвор бўлиб, устоз олим оддийлик ва камтарликни яхши кўрар эди. У саккиз қиз ва бир ўғилни эл хизматига ярайдиган инсон қилиб тарбиялади.

Наманганликлар Тожибой Ғозибоевдай маънавиятли фарзанди борлигидан фахрланади. Эзгуликнинг, яхши амалларнинг умри боқий бўлади, деганлари шу бўлса керак.

**Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,**
**тарих фанлари номзоди**

# Қад ростлаган қадр

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига ҳам ярим асрдан зиёд вақт ўтди. Мана шу йиллар ичида уруш қурбони бўлган ўзбек ўғлонларининг номи, жасорати бир лаҳза ҳам унутилгани йўқ. Бутун дунёни фашизм балосидан қутқариш учун ўзбекнинг мард ўғлонлари ҳам қўлига қурол олган эди.

Мана шундай қаҳрамонлардан бири Ғуломжон Ёқубов асакаликларнинг фахри ҳисобланади. Жасур жангчи ўз жонини тикиб бўлса ҳам фашизмни ер юзидан супуриб ташлашда иштирок этди.

Хотира ва Қадрлаш куни эрта тонгдан асакаликлар Ғуломжон Ёқубов номини улуғлаб бунёд этилган хиёбонга йиғилдилар. Қаҳрамон жангчига ўрнатилган бюст очилди. Хиёбон атрофида яратилган боғ, анвойи гуллар қаҳрамон қадри юксалаётганидан нишонадир. Маросимда туман ҳокими Тилаволди Ёқубов йиғилганларга Хотира ва Қадрлаш кунининг аҳамияти тўғрисида гапирди.

Шу куни тумандаги 191 нафар уруш фахрийсига Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан пул мукофотлари тақдим этилди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

# Инсон хотираси — азиз

Марҳум шоир Ориф Одилхоновнинг номи шеърият ихлосмандларига, қўшиқ шайдоларига яхши маълум. Шоир табиат ва тоғлар куйчиси эди. У истиқлолни, она-Ватан мадҳини куйлади. Ўзи туғилиб ўсган Сўқоқ қишлоғининг гўзал манзараларини бадиий бўёқларда яратди. Ундан яхши амаллар билан бирга ўнлаб шеърий тўпламлар хотира бўлиб қолди. Шоирнинг ёзган шеъридан бирини ҳукмингизга ҳавола этамиз.

## Озод Ватаним

*Истиқлолдан армонига етган қаҳрамон,*
*Кўкси чаман, олам узра танҳо ва суюк.*
*Нур қўйнида жилоланган бағри нурафшон,*
*Тарихларда шавкати бор, иқболи буюк.*
*Ўзбекистон — гулистоним, обод ватаним,*
*Бахти кулган, нурга тўлган озод ватаним.*

*Ярқирайди тоғларингда новвот қоялар,*
*Шарбат тўла боғларингнинг таърифи жаннат.*
*Кўтарилди пок сийнангдан мудҳиш соялар,*
*Осмонингда учсин тинчлик каптари фақат.*
*Ўзбекистон — гулистоним, обод ватаним,*
*Бахти кулган, нурга тўлган озод ватаним.*

*Меҳнатсевар эдинг — олим, қўли гул деҳқон,*
*Доңғи кетган гул ўстириб тошларда азал.*
*Сен азизсан, муқаддассан ҳамда меҳрибон,*
*Дилим яйрар сенинг мадҳинг куйлаган маҳал.*
*Ўзбекистон — гулистоним, обод ватаним,*
*Бахти кулган, нурга тўлган озод ватаним.*

**Ориф ОДИЛХОНОВ**

# Эъзоз

Қорақалпоғистон Республикасида 1641 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ўтганларни ёдга олиш, қарияларни қадрлаш мақсадида «Нуроний» жамғармасида маърифий-бадиий кеча ўтказилди. Жанггоҳлардан омон қайтганлар бир пиёла чой устида суҳбатлашдилар.

Тадбирда жамғарма раиси Жалел Муятдинов сўзга чиқиб, барча иштирокчиларга Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти, ҳукуматимиз томонидан қарияларимиз қадр-қимматини янада кўтариш, уларнинг босиб ўтган йўлларини ёш авлодга ибрат қилиб кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди. Тадбирдан сўнг бетоб ётган отахонлар хонадонидан хабар олинди. Уларга жамғарманинг совғалари улашилди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

● АКАДЕМИК ШОИР ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

***Йирик шоирларнинг ҳаёти ва ижодини улуғвор дарё билан қиёслаш мумкин. У даврлардан ўтиб оқиб боради, халқнинг маънавий ташналигини қондиради, ўзининг донишмандлигини унга сингдиради ва шу сабабдан ҳам долзарблиги, қудратини сақлаб қолади. Буюк сўз санъаткори, Ғафур Ғулом худди шундай шоирлардандир.***

# ТОНГ ОТАР ЧОҒИДА ЖУДА СОҒИНИБ...

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, кундалик газета ишлари билан банд бўлиб турган эдим, ажойиб шоири замон Мақсуд Шайхзода «адашларга салом», деб хонамга кириб келдилар. Энди сўрашиб турган ҳам эдикки, кетма-кет оловдек бўлиб улуғ адибимиз Ғафур Ғулом ташриф буюрдилар.

Салом-алик, бир-икки оғиз ҳазил-ҳузул гаплардан кейин Ғафур ака: «газетангга янги ҳикоя олиб келдим», деб қолдилар.

— Қўлингда ҳеч нарса йўққу, қани ҳикоянг? — деди Шайх ака кулимсириб.

— Ҳикоя тайёр, бугунги сонга қўйиб юборасан, — дедилар Ғафур ака менга қараб:

— Қани бўлмаса ўқи, биргалашиб эшитамиз, — деди Шайх ака.

Ғафур ака бироз сукут сақлаб турдилар-да кейин дедилар:

— Ҳикоя мана бу ерда турибди, ҳозир қоғозга тушади, — дедилар Ғафур ака кўрсаткич бармоқлари билан пешоналарига ниқтаб.

Шайх ака хандон ташлаб кулиб юбордилар:

— Ҳали емаган сомсага пул тўла ҳам дерсан!

— Бўлмаса-чи, анави Тулизақовингга айт, қалам ҳақини ёзиб берсин, — деди Ғафур ака жиддий.

— Ҳамма гап ана шунда экан-да, ўзим ҳам қуруқ кириб келишингдан билган эдим, — деди Шайх ака.

— Бўлмаса сен, анави Ҳамид Нурийингни чақир, ҳикояни айтиб тураман, ёзиб олади. Ҳикоя мийямда тайёр турибди, — деди Ғафур ака.

Хуллас, барча ишлар рисоладагидек бўлди. Ҳикоя бир соат ичида машинкадан чиқарилиб, кейин биргалашиб ўқиб чиқдик.

«Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да, дунёда? Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдимда: «Бизнинг уйга ўғри келди» деб.» Шу жойига келганда ҳамма кулиб юборди. Шундай қилиб ҳикоя эртаси куни газетада эълон қилинди.

Ғафур Ғулом ижоди унинг журналистик фаолияти билан жуда ҳам уйғунлашиб кетган эдики, «журналистдан яхши ёзувчи чиқмайди», деб «доно»лик қилмоқчи бўлган баъзи бир «назариячи»ларга унинг ғоят катта, ранг-баранг адабий-ижодий йўли яққол мисол бўла олмайдими?

Ўйлаб қарасак, журналистика мактаби шоирга ҳаёт ритмига тушиб, замон нафаси билан яшаб ижод этишига, халқ орзулари билан ҳамоҳанг асарлар яратишига имкон беради. «Сен етим эмассан», «Мен яҳудий» ва замон нафаси билан суғорилган бошқа шеърий полотнолари шоир ижодининг журналистик фаолият билан ҳамнафас, газета билан чамбарчас боғланиб кетганлигидан далолат эмасми? Ана шу оташнафас эҳтирос билан битилган ўтли, жанговар сатрлар қанот боғлагандек ўша оғир йилларда жаҳонаро бонг урди, фашизм офатига ўлим зарбасини бергандек.

Мен бу ерда адабиёт ҳақида, Ғафур Ғуломнинг катта ижодий йўли ҳақида кенг мулоҳаза юритмоқчи эмасман. Мен узоқ йиллар республикамиз етакчи газетаси «Ўзбекистон овози» таҳририятида ишлаган кезларимда ҳурматли отахон адибимиз билан кўп ижодий мулоқотда бўлганман, унинг бир қанча шеърлари, ҳикоялари, ҳаёт нафаси анқиб турган мақолаларининг қандай бунёдга келганлигидан хабардорман. Боз устига, Ғафур Ғуломнинг ўзи ҳам шу газета таҳририятида бир неча йиллар ишлаган, ижод қилган ҳамда ўз асарларининг асосий дурдонасини ана шу мўътабар газета саҳифаларида босиб чиқарган.

«Ўзбекистон овози» (собиқ «Совет Ўзбекистони»)нинг 1966 йил 12 июль сонида эълон қилинган «Янги парвозлар сари» мақоласини Ғафур Ғулом вафотидан сал илгарироқ навбатдаги сафаридан қайтиб келиб, таҳририятда ўтириб ёзган, тугатгач, мақоладан кўнгли тўлмай, «яна қайта ишлаб бераман» деб кетган эди, афсуски адиб ўшанда қайтиб келмади. Биз ўша мақолани шоир вафотидан кейин эълон қилганмиз. Муболағасиз айтиш мумкинки, таҳририят Ғафур аканинг иккинчи уйи эди. Газетамизда қанча ходим ишласа, шоир уларнинг ҳар бирини танирди, чунки у баъзан котибиятда ўтирар, баъзан эса мусаҳҳиҳлар олдига кириб босилаётган мақоласини синчковлик билан ўқиб берар, машина бюросида эса материалларни ўзи айтиб туриб ёздирар эди. Ўша кезлари шу газетада ишлаган Ҳабиб Нўъмон, Аҳмад Шораҳмедов, Ҳамид Нурий, Бек ака Миртемиров Ғафур аканинг кўнглига яқин дўстлари эди.

«Кўчага чиқсам, газета идорасига кирмасдан ўтиб кета олмайман», дерди Ғафур ака. У бирор янги нарса ёзган ёки ёзмоқчи бўлса, эрталабданоқ телефон қилиб «газетангиздан жой олиб қўйинглар, ҳозир етиб бораман», дер эди. Қарабсизки, Ғафур ака бир пасда етиб келарди, унинг шўх кулгиси, қувонч билан хоналарни тўлдириб юришлари таҳририятга файз киритиб юборгандек туюлар эди.

Пахта йиғим-терими авжга минган кезлар эди. Даладаги ҳосил ҳали йиғиб олинмаган. Ҳамма пахта теримига сафарбар этилган. Собиқ иттифоқ даврида пахта масаласи ҳаёт-мамот, сиёсий масала даражасига кўтарилган даврлар «пахта фронти»га деб аталадиган жанггоҳга бутун халқ сафарбар этилар, белгиланган режани бажармай кўринг-чи? Ўша зуғумли тузум даврида қанча соф виждонли одамлар пахта деб не азобларни чекмадилар дейсиз?

Газеталарнинг биринчи бети йирик ҳарфлар билан: «Юрагида ўти бор, қалбида ҳарорати бор ҳар бир ватанпарварнинг жойи пахта даласида», деган кишининг меъдасига тегиб кетадиган чақириқлар билан чиқарди.

Ўша кезлари Ғафур ака халқ дардига шерикдек таҳририятимизга келиб «мени махсус мухбир қилиб ол», деб қолдилар.

Кейин:

— Майли, сенларга қийин бўлмасин, штатингга ўтмайман, лекин яхшиси битта чаққонроқ йигитларингдан бер, машинам пастда турибди, республика бўйлаб кетаман, фақат ўз қадрдон газетамга мухбирлик қиламан, — деб қўйдилар.

Ўша йили Ғафур Ғулом республикамиз вилоятларида бўлиб, пахтакорларнинг оғир, машаққатли меҳнати ҳақида қалб ҳарорати, ҳаёт нафаси тўлиб-тошган мақолалари билан деярли кунаро чиқишлар қилганлиги ёдимда. Лекин Ғафур Ғуломнинг ўша туркум чиқишлари одатдагидек мақтов мақолалар эмас эди, унда ўша кунлар нафаси уфуриб турган, халқ дили, қийинчиликлари, ғам-андуҳлари ифода этилган ҳаяжонли бадиий публицистик чиқишлар эди. Ёдимдан чиқмайди, Андижондан ёзиб юборилган бир мақола катта шов-шув уйғотди. Ўша куни эрта билан Бухоро вилоятининг биринчи раҳбари Қаюм Муртазоев қўнғироқ қилиб: «Ғафур ака биз томонларга ҳам бир келиб кетсинлар, бизни ҳам айтадиган дардимиз кўп», — деб илтимос қилган эди. Шундан кейин Ғафур ака Бухоро вилоятига ҳам бориб, катта мақола ёзиб келди.

Йирик байрам арафаларида ёки улкан дўстлик анжуманларида Ғафур ака ўз ташаббуси билан ёки бўлмаса таҳририят илтимосига биноан газетага, деб шеър ёки публицистик мақола ёзиб берар, газетанинг байрам сонлари кўпинча Ғафур акасиз чиқмасди. Лекин «буюртма» қилинган шеър ёки мақола баъзи бир қаламкашлар ёзиб келадиган шеърлардан тамомила фарқ қиларди. Ўша эҳтиросли шеърий гулдаста бадиий жиҳатдан пишиқ-пухта асар сифатида кейинчалик Ғафур аканинг тўпламларидан муносиб ўрин оларди. Ғафур ака таҳририятнинг «буюртмаси» деб ёзмасди, балки ўз ижодига талабчан шоир сифатида қараб, ўз ватанпарварлик бурчини сидқидилдан бажарарди.

Улуғ ўзбек мутафаккири, шоир Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи арафасида Ғафур Ғулом навоийшунос олимлар билан бирга Афғонистонга борадиган бўлиб қолди. Сафарга жўнаш олдидан Ғафур ака таҳририятимизга келиб: «Мен улуғ бобомиз қабрини зиёрат этмоқ учун афғон элига кетмоқдаман, сизларга бир қучоқ шеър ва салом олиб келурман» деб қолдилар.

Кейин шоир Ҳиротдан қайтиб келгач, ўз ваъдасининг устидан чиқиб, бобокалонимиз Алишер Навоий ҳақида ёзган шеър ва фотосуратларни мамнунлик билан газетага деб олиб келгани ёдимда. «Алишер Навоий қабри устида» деган ўша машҳур ғазални ўзлари зўр ифтихор ва виқор билан ўқиб берганлари ҳамон кўз олдимдан кетмайди:

***Дилим равшанлигини ҳиссим***
***йўлида офтоб айлаб,***
***Мозоринг бошида таъзим ила***
***турмақдурмен сарҳисоб айлаб,***
***Қулоғинг сўз эшитмас бўлса***
***ҳам қалбдан хитоб айлаб,***
***Ватандошлар саломин неча***
***жилдли бир китоб айлаб,***
***Навоий деб Мусаллога[1]***
***келибмен интихоб айлаб.***
***Самарқанд, Андижон, Тошканду,***
***Урганжу, Бухородан,***
***Ўзинг нашъу намо топган***
***шарафу-шонли маъводан,***
***Сенинг орзуларинг руёбга чиққан***
***янги дунёдан,***
***Туман Фарҳоду Ширин сув***
***чиқарган бахтли саҳродан,***
***Ажаб гулдаста келтирдим,***
***унга заррин таноб айлаб...***

Ғафур ака оғир касал бўлиб ётган кезлари касалхонага кўргани бордим. Адибнинг аҳволи анча оғир эди ўшанда.

— Нималар олиб келдинг, овора бўлиб, — дедилар.

— Қирмизи олма, хусайни узум, нок, келинингиз ош дамлаб юборди, — дедим.

— Тўрвада-чи, нима бор?

— Патир нон.

— Нима қилардинг шунча нарсани, ундан кўра анави қурғурдан бил қултум бўлса ҳам олиб келсанг бўларди, — дедилар ҳазиллашиб.

— Ҳамширалар ҳамма нарсани синчковлик билан очиб кўришди, афтидан ўша сиз айтган «анавини» қидиришди шекилли, — деб мен ҳам кулгига олдим.

— Ука, дунё шунақа... Мени дўхтирлар кичкина боладек авайлашади, раҳмат уларга. Бу ёруғ дунё бир карвонсарой экан — келамиз, кетамиз. Дунёда ҳеч нарса жавобсиз қолмайди. Яхшиликка-яхшилик, ёмонликка-ёмонлик, муҳаббатга-муҳаббат қайтади. Ҳадеб, бу дунё бевафо, бебақо деб зорланавериш керак эмас. Наинки, бошингга тушган ёмонликми, хору-зорликми, барчасини ўзингдан кўр. Хулқ-атворингдан, ҳаётда ўзингни тутишингдан. Яхшилик ҳам, бахт-саодат ҳам шундай. Умар Ҳайём айтганидек, биз қайдан келамизу, қайга кетамиз. Буни ҳеч ким билмайди.



Улуғ файласуф шоирнинг бу гаплари ҳам қулоғим остидан кетмайди. Узоқ йиллар ўтиб, қуйидаги хулосага келдим. Ҳаёт чоғингда эл ҳурматига сазовор бўлсанг, одамларга яхшилик қилсанг, яхши ном қолдирсанг вафотингдан кейин ҳам сени ҳеч қачон унутмайдилар...

Ғафур ака вафот этганида шоир Мақсуд Шайхзода Москвада эди. Қадрдон дўстининг вафотини эшитиб, ўша заҳоти газета таҳририятига мактуб йўллаган.

Мактубда шундай дейилган эди:

«Азиз дўстларим, дўстим Ғафурнинг бевақт вафоти ҳақидаги шум хабарни эшитиб ғоят ғам-алам чекдим... Ҳа, энди Ғафур йўқ, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолгандек, унинг гулдираб, оловдек ёниб юрганлари йўқ. Изтиробларим кўп. Ғафур ҳақида ёзмасдан жим туролмайман. Ғам-алам чекиб барча дардларимни ушбу марсиямга жо айладим...

«Ғафурга хат» деган машҳур шеър хатга қўшиб юборилган эди.

***«Хайр, демай кетганинг***
***не деганинг, у!..***
***«Тез қайтурман бемуҳлат!»***
***деганингми у?***
***«Ўлим асли ўткинчи***
***бир ҳодисаю***
***Ҳаёт мангу бир ҳолат!»***
***деганингми у?***
***Қандай сени қидирая,***
***адресинг қаер?***
***Кимдан сени сўрайин?***
***Одамлар не дер?..***

Шеър газетада босилиб чиқди. Ғафур Ғуломни ёдлаш маросимида самарқандлик бир шоир уни зўр эҳтирос билан ўқиб берганлиги ёдимда.

Ғафур Ғуломнинг олтмиш йиллигини нишонлаганимизда газетада «Шеърият қуёши» деган катта сарлавҳа билан саҳифа эълон қилинган эди. Шоир вафот этганда «Шеърият қуёши сўнди» деб яна бир саҳифа берилди.

Ғафур Ғуломнинг 1942 йил баҳорида, аниқроғи 15 май куни ёзган «Соғиниш» шеърида шундай сатр бор:

«Тонг отар чоғида жуда соғиниб...»

Яна баҳор келди, яна май. Орадан 61 йил ўтибди. Бугун мен тонг отар чоғида уйғондим, бағри кенг, доно шоиримизни соғиниб уйғондим, жуда соғиниб...

**Мақсуд ҚОРИЕВ**

[1] *Мусалло — Ҳиротдаги қадимий намозгоҳ. Навоийнинг қабри шу ернинг ғарбида.*

## Ўкирган шер — шеър ўқийман, дер

***Бешоғоч гумбазин ларзага солиб,***
***Ҳамон тингани йўқ қудратли овоз.***
***Акс-садо бергандек Тошкент қўзғолиб,***
***Арпапоя томон елур сарафроз.***

***Муқаддас даргоҳга таъзимда боши,***
***Қутлуғ остонани ҳатлаб ўтурлар.***
***Хонасидан чиқиб назм наққоши,***
***Жумлаи мўминни шодон кутурлар.***
***Бошида чуст дўппи, елкасида тўн,***
***Ялангтўш кўксида қўли саломда.***
***Шеърият заҳматин чекиб узун тун,***
***Субҳидам муждаси Ғафур Ғуломда.***

***Зарварақ дафтарни ўйнаб офтобда,***
***Жонажон улусни этмай мунтазир,***
***Юраги меҳрга зориққан тобда:***
***Мағрур ўкирган шер — шеър ўқийман, дер!***

**Барот БОЙҚОБИЛОВ**

## Умримиз боқийдир, умримиз боқий

Замонлар ўзгаради. Асрлар қарийди. Мозий карвони ўз ортида улкан ҳайратлар қолдириб илгарилайди. Кўҳна дунё ҳорғин нафас олади. Ҳамма тузумларда ҳам виждон қалъаси бут, Ватанга садоқатли, жаҳон маданияти, адабиёти, илм-фанига улкан ҳисса қўшганлар қадри баланд бўлаверади.

Озодликка етолмаганлар, овози бўғзида бўғилганлар, кўнгли кишанланганлар, ҳайқириқни кўзига жойлаганлар хотираси, эзгу амаллари ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатилади. Шу боис бўлса керак ўзбек шеъриятининг улкан намояндаси, марҳум академик шоир Ғафур Ғулом мустақиллик йилларида «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг танланган асарлари нашр этилди.



Шунингдек, таниқли адабиётшунос олим Азиз Қаюмовнинг «Академик Ғафур Ғулом (хотиралар)» номли асарида Ғафур Ғуломнинг илмий ва ижодий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинди. Профессор Наим Каримовнинг «Ғафур Ғулом» номли рисоласида шоир шоҳ асарларининг яратилиш тарихи, ғоявий йўналиши ва бадиий жозибаси ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади.



«Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида» номли тўпламда уни билган, кўрган замондошларининг хотира ва эсдаликлари ўрин олган.

Ғафур Ғулом ўзбекнинг ардоқли шоири сифатида биз билан XX асрдан XXI асрга ўтиб ҳамоҳанг яшамоқда.

Шоир айтганидек:

***Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,***
***Дамлар ғаниматдур, умрзоқ соқий.***
***Қуёшки фалакда кезиб юрибди,***
***Умримиз боқийдир, умримиз боқий.***

**Тўмарис ХУДОЙБЕРДИЕВА**

## Япон мактабида Ўзбекистон дарси

Сайтама префектурасининг Ҳонжо шаҳри марказидаги Ҳигаши мактабида 8-синф ўқувчилари учун Ўзбекистонга бағишланган дарслар ўтказилди.

Мазкур лойиҳа Гои тинчлик жамғармасининг «Тинчлик таълими дастури» асосида Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси томонидан амалга оширилган бўлиб, япон болаларининг мамлакатимиз ҳақидаги билимларини оширишга йўналтирилган.

Дарсларда ўқувчиларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида япон тилида тайёрланган видеоматериаллар, китоб ва журналлар, рангли рисолалар ҳамда халқ ҳунармандчилиги асарлари намуналаридан кўргазмали қурол сифатида кенг фойдаланилди.

Тадбирнинг муҳим томони шундаки, ўқувчилар машғулотлардан аввал мустақил равишда республикамизга доир турли маълумотлар тўплашди. Ушбу тайёргарлик жараёнида япон болалари ўзлари чизган Ўзбекистон байроғи ҳамда герби билан синф хоналарини безатишди. Уларнинг «Дунёда тинчлик бўлсин!», «Ўзбекистонда тинчлик бўлсин!» каби лотин алифбосида ёзилган катта плакатлари кичи қалбида чексиз мағрурлик ҳиссини уйғотди.

Ўтказилган дарсларда Ўзбекистоннинг жаҳон харитасидаги ҳудуди, унинг тарихи, хусусан, Буюк ипак йўлида тутган муҳим ўрни ҳамда халқимиз маданиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, машғулотлар чоғида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, айниқса, иқтисодий ислоҳотлар халқаро муносабатларининг кенгайиши, жумладан, ўзбек-япон алоқаларининг тарихи ва истиқболлари тўғрисида батафсил сўз юритилди.

Машғулотлардан сўнг ҳар бир ўқувчи дарслардан олган таассуротлари асосида Ўзбекистон ҳақида кичик баён ёзди. Дарсларда кузатувчи сифатида иштирок этган ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда маҳаллий мухбирлар ҳам республикамизга оид ўз билимларини бойитишганини таъкидлашди.

Япон мактабида ташкил этилган Ўзбекистон мавзуидаги махсус дарслар уммондан бир томчи.

Пировардида таъкидлаш жоизки, мазкур Гои тинчлик жамғармаси мамлакатимиз билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётган Япониянинг кўплаб ташкилотларидан биридир.

**Б.АЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА**

XORIJDA

## Июнда конференция бўлади

Шу йил июнь ойида Вашингтонда Ироқни қайта тиклаш масаласига бағишланган дунё компанияларри вакилларининг бутунжаҳон конференцияси ўтказилиши ҳақида Reuters агентлиги хабар тарқатди. Бу 200 дан ортиқ хусусий ва давлат корпорациялари иштирок этадиган биринчи конференциядир. Уни ўтказиш 11-12 июнь кунларига мўлжалланмоқда.

● ТАФСИЛОТ

# Ироқда нима гап?

## Чекловларни бекор қилиш бўйича

1990 йилдан бери БМТ томонидан Ироққа қарши қўлланиб келинаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш борасида АҚШ маъмурияти БМТ Хавфсизлик Кенгашига янги резолюция лойиҳасини тақдим этди. Бироқ уни амалга жорий этиш қачон расман эълон қилинади, буниси ҳали номаълум. Негаки, Хавфсизлик Кенгаши уни синчиклаб ўрганиб чиқиши лозим. Мазкур лойиҳа муаллифлари АҚШ, Буюк Британия ва Испания давлатларидир. Унинг лойиҳаси юзасидан шахсан Жорж Бушнинг ўзи Испания бош вазири Хосе Мария Аснар билан маслаҳатлашди. «Ироққа нисбатан қўлланилган иқтисодий жазо чоралари бугунги кунда ўз маъно-мазмунини йўқотди» деди Аснар жаноблари.



Дарҳақиқат, Ироқни қайта тиклаш ва у ерда ҳаётни изга солиш учун БМТ эмбаргосининг бекор қилиниши ўта зарурий ҳолдир. Лекин бунга қарши бўлган давлатлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун АҚШ давлат департаменти эмбаргони бекор қилиш масаласида музокаралар олиб бориш учун ўзининг махсус вакили, давлат котиби ёрдамчиси Ким Холмсни Москва ва Берлинга жўнатди.

Бундан ташқари, дейилади АР агентлиги хабарида, урушдан олдин АҚШнинг ўзи Ироққа қарши жорий этган иқтисодий жазо чораларини намуна сифатида бекор қилди. «Иқтисодий жазо чораларининг Америка томонидан юмшатилиши ироқликларнинг эркин нафас олишига имконият яратади, — деди АҚШ молия вазири Жон Сноу ВВС мухбирига берган интервьюсида. — Бизнинг санкцияларимиз аввалги тузумга қарши қаратилган эди. Энди у йўқ. Демак, санкциялар ҳам бекор қилинади ва эндиги диққат-эътибор мамлакатни қайта тиклашга қаратилади».

Шу кунларда АҚШ фуқаролари Ироқда яшаётган ўз қариндошларига моддий ёрдам кўрсата олишлари мумкин. Негаки, бунга рухсат этилди. Фақат бу ёрдам чекланган, яъни ойига 500 АҚШ долларидан ортиб кетмаслиги лозим. Бундан ташқари, ВВС маълумотига кўра, Америка компаниялари ҳам Ироққа инсонпарварлик ёрдамлари жўнатишлари, у ерда иш ўринларини ташкил этишлари, қисқаси, мамлакатни қайта тиклаш ишларида қатнашишлари мумкин. Авваллари бундай ёрдамлар тақиқланган эди.

## Самолётлар қатнови йўлга қўйилди

Пайшанба куни Бағдод билан Оммон (Иордания) ўртасида самолётлар қатнови йўлга қўйилди. Яъни «Эйр Бағдод» авиакомпаниясининг 50 ўринлик самолёти тижорат парвозини амалга оширди. Бу Ироқда ҳарбий ҳаракатлар бошланган пайт — 20 мартдан бери амалга оширилган биринчи парвоздир.



Энди бу парвозлар кунига бир мартадан бўлиб туради. Самолётда учиш нархи 650 доллар. Қўл юкидан ташқари қўшимча юкларнинг ҳар килоси учун 5 доллар қўшимча ҳақ тўланади. Парвоз 1 соату 15 минут давом этади, дея хабар беради «Новости» агентлиги.

## Тинчликни сақлаш учун

БМТнинг маъмурий ва бюджет масалалари билан шуғулланувчи қўмитаси шуни маълум қилдики, 2004 йил режасига 11 та фаол тинчлик ҳаракатлари ўтказилиши киритилган бўлиб, бу жараён учун 2,3 миллиард доллар талаб этиларкан. Бу 2003 йилдагига қараганда 22 фоиз камдир.

Сабаб: Босния ва Герцеговинада БМТнинг тинчлик миссияси ўз фаолиятини тўхтатади. Шунингдек, Косово, Шарқий Тимор, Сьерра-Леоне ва Ливанда эса БМТнинг тинчлик ҳаракатлари қисқартирилади. Негаки, бунга эҳтиёж камайган, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

## Минадан тозалаш тўхтатилди

БМТ Афғонистоннинг асосий магистрали бўлмиш Кобул билан Қандаҳор ўртасидаги катта йўлни миналардан тозалаш бўйича олиб бораётган фаолиятини тўхтатди. Шунингдек, БМТ вакиллари мамлакатнинг жанубий ҳудудларига, яъни Зобул, Урузғон ва Ғилмонга боришдан ҳам тийилиб турибди.

Умуман Афғонистон ҳудудида БМТ вакиллари учун кечки соат 18 дан тонгги соат 6 гача комендантлик соати жорий қилинди. Бундай тартиб-қоида, дейилади ВВС хабарида, 3 ва 5 май кунлари БМТ вакилларига уюштирилган ҳужумдан сўнг жорий этилди.

ЯНГИ КИТОБ

# Шаҳарлар солномаси



«Агар қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг», — деган эди соҳибқирон бобомиз Амир Темур. Дарҳақиқат, қадим-қадимдан шаҳарлар тиклаш, бири-биридан юксак бинолар яратиш миллатимизга хос фазилат бўлиб келган. Ҳар қандай иншоот, осмонўпар имрату бинолар аввало ўша юрт ижтимоий салоҳияти, қудратини, халқининг истеъдодини намоён этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шаҳарлар сони кўпайиб, уларнинг республика ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётидаги роли ҳам ортиб бормоқда. Истиқлол туфайли юртимизда амалга оширилаётган улкан ишлар, шаҳарсозлик соҳасида эришилаётган ютуқлар, халқимизнинг қадимги салоҳияти дунё ҳамжамиятидаги мавқеини белгилайди. Шаҳарсозликнинг жаҳон андозаларига мос келадиган ва қадимий анъаналарини ривожлантириш юзасидан изланишлар, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун шаҳарларнинг илмий-техникавий, ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш, аҳолининг яхши яшаши учун зарур шароит яратиш ҳамда мавжуд меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш муоммоларини чуқур ўрганиш зарур.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Эркин Аҳмедовнинг яқинда нашр этилган «Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида» номли (Тошкент, Абу Али ибн Сино нашриёти) китобида шаҳарларимиз тарихи, уларнинг мамлакат тараққиётида тутган ўрни ва мавқеи, истиқлол йилларида шаҳарсозлик соҳасидаги буюк ўзгаришлар ҳамда уларнинг замонавий қиёфасини шакллантиришда қилинажак истиқболли режалар ҳақида сўз юритилади.

Китоб сўзбошисида таъкидланганидек, шаҳарларнинг ривожланиш даражаси республиканинг табиий шароити, мавжуд бойликларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳонга танилишида қўлга киритилаётган ютуқларимиз қанчалик муҳим бўлса, унда аждодларимиз томонидан барпо этилган шаҳарларимизнинг аҳамияти ҳам улкан. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби қадимий шаҳарларимиз дунё аҳлини асрлар давомида ҳайратлантириб келган. Улар қаторига истиқлол йилларида бунёд этилган шаҳарларимиз қўшилиб, юртимизга ташриф буюраётган меҳмонларни қизиқтирмоқда.

Китобда асрлар силсиласига бардош бериб, минг йилларни қаритган шаҳарлар тарихига оид қизиқарли маълумотлар берилиши билан бирга, Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан фойдаланиш ва янги ерларни ўзлаштириш негизида вужудга келган саноатлашган, маданияти ва илм-фани ривожланган қатор шаҳарлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Китобда замонавий шаҳарсозликка оид қатор муҳим муаммолар, жумладан, тараққиёт туфайли айрим йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари катталашиб кетиши, натижада экологик мувозанат бузилиб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланади. Шунингдек, мавзуга доир бир неча жадваллар, рангли фотосуратлар, юртимизга ташриф буюрган чет эл фуқароларининг халқимиз маданияти, инсоний фазилатлари, шаҳарларимиз қиёфаси ва гўзаллиги ҳақидаги дил сўзларига ҳам ўрин ажратилган.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**

ЁШЛАР ВА ЖАҲОН

# Ўзбекистон — муқаддас жойлар мамлакати

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари барча соҳалар қатори, илмий-техника соҳасида ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Буни Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамиятининг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2000 йилда жамият АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳисобига «Ёш олимлар ахборотномаси»ни чоп этиш ва 2002 йилда эса АҚШ Давлат департаментининг «Хоразмнинг ноёб ёзма ёдгорликларини матн ва график услубда сақлаш» мавзусидаги грантларини қўлга киритди. Шунингдек, ҳамкорликда «Бухоро араб истилоси даврида: манбалар, қазилмалар, тангалар», «Ўзбекистондаги ижтимоий фанлар америкалик олим нигоҳида» мавзуларида семинарлар ташкил этилди.

Яқинда Жоржтаун университети қошидаги Евроосиё, Россия ва Шарқий Европа давлатлари бўйича Миллий ресурс марказида «Сиёсий ислом ва ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида муқаддас жойларнинг қайта тикланиши» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Семинарни Бостон университетининг тадқиқотчиси, тарих фанлари доктори Элёр Каримов ва АҚШ Давлат департаментининг дипломатик соҳалар бўйича мутахассиси, антропология фанлари доктори Девид Абрамсон ташкил этди. Унда университет профессор ва аспирантлари ҳамда дипломатик ташкилотларнинг намояндалари қатнашди.

Элёр Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамиятининг илмий-тадқиқот гуруҳи томонидан Марказий Осиёдаги муқаддас жойлар ва зиёратгоҳларнинг ижтимоий-маданий аҳамиятини ўрганиш бўйича этносоциологик тадқиқотлар ўтказилди. Олиб борилган дала тадқиқот ишлари Ўзбекистон ва унга қўшни Қозоғистон, Туркманистон ҳудудларидаги обидаларни қамраб олган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ислом маданиятининг ўзига хос жиҳатларини белгилашда муқаддас жойларнинг ҳам ўрни катта. Зиёратгоҳлар ва у билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди, диний амаллар, ислом таълимоти, архитектура ёдгорликлари бизнинг ҳудудимизда «маҳаллий», «мавжудлик» хусусиятларининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Албатта маданиятнинг бу шакли авваллари ҳам тадқиқотчилар диққатини жалб қилиб келган ва улар Ўзбекистонни «Муқаддас жойлар мамлакати» деб аташи ҳам бежиз эмас.

Ёш тадқиқотчилар мамлакатимизда 2000 дан ортиқ муқаддас жойлар мавжудлигини архив маълумотларидан аниқлашди.

Замонавий фан талабларида эътироф этилаётган назария ва амалиёт уйғунлиги Вашингтондаги семинарга бўлган қизиқишда ўз ифодасини топди. Жумладан, Элёр Каримовнинг «Хўжа Аҳрор: ҳаёти ва фаолияти» номли китобининг чоп этилиши ҳам бунга ёрқин мисол бўлади. Ушбу китобнинг тақдимоти семинар режасига ташкилотчилар томонидан киритилди. Бу эса кўтарилган долзарб илмий мавзунинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди.

Анжуман давомида Э.Каримов ва Д.Абрамсон Марказий Осиёнинг диний ва маънавий ҳаётида муқаддас жойлар алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Узоқ тарихга эга бўлган муқаддас жойларнинг кейинги ҳолатларини ўрганиш ижтимоий-тарихий соҳада янги қирраларни кашф этиш имкониятини беради. Вақт ўтгани сайин тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳларнинг аҳамияти ортиб бораверади. Маҳаллий шароитларда ўзига хос маънавий, диний аҳамиятга эга бўлган ислом қадриятларини қайта тиклаш, авайлаб асраш янада долзарб масала бўлиб қолаверади.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Ҳикматли сўзлар маъноси

### Дунё йиғиб нетарсан, бир кун ташлаб кетарсан

Бу мақолни пул, мол-дунё тўплашга ҳирс қўйган, ўзгалар у ёқда турсин, ўзи учун ҳам сарф қилмайдиган, ёнидан пули чиққундай бўлса, танидан жони чиққундай бўладиган зиқна, хасис одамларга нисбатан қўллайдилар.

### Дон донга ажралар, сомон сомонга

Буғдой, арпа ва бошқа донли экинлар ўрилмасидан аввал ўз сомони билан бирга бўлади. Ўриб-йиғилгач, хирмон кўтарилгач, дони-донга, сомони-сомонга ажралади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Қариндош-уруғлар ичида бегона одам дўст, оғайни бўлиб юрса ҳам, бирор оилавий жанжални бостиришда, томонларни ўзаро битиштиришда қариндош-уруғларнинг фикри бир жойдан чиқади, уларнинг гапи-гап бўлади, бегона эса бир чеккага чиқиб қолаверади. Мазкур мақолни мажозий маънода ана шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда қўллайдилар.

### Дунёни сув олса, ўрдакка нима ғам?

Бу мақол беғам, бепарво, «ўз қорним тўйса бўлди, ўзга билан нима ишим бор» деб, оила ғамини, эл-юрт ғамини емайдиган, ҳамиша-ҳамрўз ялло қилиб юришни кўзлайдиган одамларга қарата айтилган. Вар.: «Дарё тошса, қудуққа не зарар?», «Бола ўйинга тўймас, беғам уйқусин қўймас», «Қайғусиз қора сувга семирар», «Беғамликнинг вафоси бўлмас».

### Душман битса ҳам, душманлик битмас

«Душманни енгдим, қувиб юбордим, деб бамайлихотир юрма. Душман енгилса ҳам, душманлик алами ичида қолади, яна қайтадан ҳужум қилиш учун қулай пайт пойлайди. Шунинг учун ҳамиша ҳушёр ва сергак бўлиб тур, эҳтиёт чораларини кўр», дейилмоқчи. Вар.: «Арининг қаноти куйса ҳам, ниши қолади», «Ўлик ари ҳам найзасида заҳар сақлайди», «Сув тўхтар, душман тўхтамас», «Ёв кетса ҳам қиличингни занглатма».

ХОТИРА



Иккинчи жаҳон уруши йиллари Янгийўлдан ҳам юзлаб навқирон йигитлар фронтга кетган эди. Афсуски, уларнинг кўпларига ўз она-юртларига қайтиш насиб этмади.

Кеча туманнинг Гулбаҳор қўрғонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулдасталар қўйилди, урушда ҳалок бўлганлар хотираси ёд этилди.

**Суратда:** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Ойша Расулова ва Сайфиддин Шамшиев.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

# Меҳнат ярмаркалари самара бермоқда

Яқинда Қарши шаҳар аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бўлимида шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада 57 та ташкилот 375 бўш ўрин билан қатнашиб, мурожаат қилган 184 нафар фуқародан 75 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. 30 нафар фуқаро мавсумий ҳақ тўланадиган иш жойларига юборилди. Ўз иш жойларини ўзгартириш ва янги иш жойлари билан танишиш мақсадида келган 59 кишига маслаҳатлар берилди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 20 нафар ёш бичиш-тикиш, сартарошлик ва кулолчилик бўйича шаҳардаги маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган ҳунармандчилик курсларига устоз-шогирд усулида ўқишга юборилди.

— Шаҳримиз бўйича 750 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлиб, шу йилнинг биринчи чорагида уларнинг 578 нафари бўлимимиз томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркалари орқали ўз иш жойларига эга бўлдилар, — дейди шаҳар аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни мувофиқлаштириш бўлим бошлиғи Шуҳрат Турсунов. — Бундан ташқари, бир марталик иш билан таъминлаш маркази ташкил этганмиз.

Ҳа, бўлимда янги иш ўринлари ташкил этиш ва ишсизларни иш билан таъминлаш ҳамда ёшларни касбга йўналтириш бўйича қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

**Абдурасул ПАРДА**

СПОРТ

# Анвар Бердиевнинг «покери» ва 100-тўпи

Ўзбекистон XII миллий чемпионатида еттинчи тур учрашувларига якун ясалди. Кутилганидек, турнинг «Нефтчи» — «Дўстлик», «Навбаҳор» — «Пахтакор» ўйини қизиқарли ва муросасиз ўтди.

Наманганда кечган баҳсда мезбонлар ярим ҳимоячиси Жасур Ҳасанов 56-дақиқада ҳисобни очди. Фақат орадан саккиз дақиқа ўтгач, Тимур Копадзе томонидан киритилган тўп «Пахтакор»ни мағлубиятдан қутқариб қолди — 1:1. Бу эса чемпионликка асосий даъвогар саналаётган «Нефтчи» жамоасининг имкониятини ошириб юборди.

Шу тургача жадвалнинг учинчи поғонасида бораётган Тошкент вилоятининг «Дўстлик» футболчилари Фарғонада йирик ҳисобда мағлубиятга учради — 0:6. Мазкур учрашувда мавсум тўпурари Анвар Бердиев «покер»га эришди. «Нефтчи» ҳужумчиси пойтахт вилояти вакилларини ўйинни тўрт марта майдон марказидан бошлашга мажбур этди ва ўз ҳисобидаги тўплари сонини 10 тага етказиб олди. Эътиборлиси, Анвар Бердиев футболдаги юзинчи тўпини ҳам «Дўстлик» жамоаси дарвозасига йўллади. Қолган икки тўпни Умид Исоқов ҳамда Сергей Лебедевлар ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди.

Тошкентда «Трактор» ва «Сурхон» жамоалари учрашуви ҳам кутилмаган натижа билан тугади — 1:3.

Қолган ўйинларда қуйидагича ҳисоблар қайд этилди: «Насаф» — «Металлург» — 3:1, «Бухоро» — «Қизилқум» — 0:1, «Андижон» — «Гулистон» — 3:0, «Қўқон-1912» — «Машъал» — 0:2, «Самарқанд-Д» — «Цементчи» — 4:0.

8-тур учрашувлари 14 майда ўтказилади.

**Еттинчи турдан кейинги вазият**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Нефтчи» | 7 | 7 | 0 | 0 | 26-2 | 21 |
| 2. «Пахтакор» | 6 | 5 | 1 | 0 | 16-4 | 16 |
| 3. «Насаф» | 7 | 4 | 1 | 2 | 12-5 | 13 |
| 4. «Қизилқум» | 7 | 4 | 1 | 2 | 11-6 | 13 |
| 5. «Сурхон» | 7 | 4 | 0 | 3 | 10-11 | 12 |
| 6. «Дўстлик» | 7 | 3 | 2 | 2 | 7-11 | 11 |
| 7. «Андижон» | 7 | 3 | 1 | 3 | 9-6 | 10 |
| 8. «Навбаҳор» | 7 | 2 | 4 | 1 | 9-6 | 10 |
| 9. «Самарқанд-Д» | 6 | 3 | 0 | 3 | 7-4 | 9 |
| 10. «Машъал» | 7 | 2 | 1 | 4 | 9-7 | 7 |
| 11. «Цементчи» | 7 | 2 | 1 | 4 | 6-12 | 7 |
| 12. «Металлург» | 7 | 2 | 1 | 4 | 7-15 | 7 |
| 13. «Трактор» | 7 | 2 | 1 | 4 | 8-19 | 7 |
| 14. «Қўқон-1912» | 7 | 2 | 0 | 5 | 6-15 | 6 |
| 15. «Бухоро» | 7 | 1 | 1 | 5 | 7-12 | 4 |
| 16. «Гулистон» | 7 | 1 | 1 | 5 | 3-15 | 4 |



# Кучлилар жаҳон чемпионатига боради

8-9 май кунлари пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан юз нафардан зиёд курашчи гиламга чиқди.

— Юнон-рум кураши бўйича ҳозир деярли ҳар ҳафта дунёнинг турли давлатларида халқаро турнирлар ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Комил Фатхуллин. — Курашчиларимиз ана шундай нуфузли мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида муносиб натижаларни қўлга киритиб келишмоқда. Шу боис, кўплаб нуфузли мусобақа ташкилотчилари Ўзбекистон полвонларини ўз гиламларида кўришни исташяпти. Бу эса спортчиларимиз зиммасига катта масъулият юклаб, улардан турнирларда муваффақиятли иштирок этишни талаб этади. Қолаверса, олдинда «Афина-2004» олимпия ўйинлари кутиб турибди.

Вазни 55 кг. полвонлар ўртасида қитъа чемпионати совриндори бухоролик Савриддин Наврўзовнинг финалда мағлубиятга учраганлиги кутилмаган ҳол бўлди. Савриддин ҳал қилувчи баҳсда самарқандлик Камол Холматовга очколар ҳисобида ютқазиб, иккинчи ўрин билан кифояланди. Қолган вазн тоифаларида эса ишқибозларга яхши таниш бўлган курашчилар Аслиддин Худойбердиев (60 кг.), Баҳодир Қурбонов (66 кг. иккаласи ҳам Тошкентдан), Жаҳонгир Турдиев (74 кг.), Руслан Акчурин (84 кг. иккаласи ҳам Қашқадарёдан), Убайдулла Ҳасанов (96 кг. Фарғона), Шермуҳаммад Қўзиев (120 кг. Тошкент)лар ғолиб бўлди. Энди мусобақанинг сара курашчилари шу йил август ойида Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратда:** мусобақадан лавҳа.

ИНТЕР СПОРТ

# Қадрдон жамоани тарк этмоқчи



Таниқли дарвозабон, Мюнхеннинг «Бавария» жамоаси сардори Оливер Кан қадрдон клуби билан хайрлашишга ҳозирланмоқда. «Мюнхен клубида қўлимдан келган барча имкониятларимни ишга солдим, — дейди Кан, — «Бавария»да 9-мавсумни ўтказмоқдаман. Энди бошқа клубга ўтадиган бўлсам, сўзсиз янгича муҳит, янгича қарашлар алфозида ўзимдаги янги қирраларни кашф этишим мумкин».

«Бавария» мураббийи Отмар Хитцфельд эса Каннинг кетишига асосий сабаб унинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ гап-сўзларнинг кўпайишида, деб қарамоқда.

### «Реал» тўртинчи финални кўзламоқда

Мадриднинг «Реал» жамоаси чемпионлар лигаси учун баҳснинг дастлабки ярим



финал учрашувида Италиянинг «Ювентус» футболчиларидан 2:1 ҳисобида устун келди. Бу билан испан футболчилари нуфузли мусобақанинг финалига чиқиш учун муҳим қадам қўйдилар. Агар «Реал» ўйинчилари икки учрашув ҳисобида устун келсалар, кейинги олти йил мобайнида тўртинчи марта финалга йўлланма олишлари мумкин. Тўпларни Рональдо билан Роберто Карлос киритди. Жавоб тўпига эса Давид Трезеге муаллифлик қилди.

Халқаро Шароф Рашидов фонди Марказий Кенгаши, хорижий ва вилоят бўлимлари жамоалари атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидовнинг умр йўлдоши
**ХУРСАНОЙ янинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.


BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 422
11547 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA